ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ УРҒУСИ ДАРАЖАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шахриёр Холматов
Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Муштарийбегим Йўлдошева
Фарғона давлат университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сўз урғусидаги даражаланиш ҳодисаси инглиз ва ўзбек тиллари мисолида таҳлил қилинади. Сўз урғусидаги даражаларнинг ҳар иккала тилдаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритиб берилади.

Калит сўзлар: бош урғу, ритмик яққоллик, эмфатик урғу, ўзгарувчан-генератив фонология, дифтонг, юқори частота, сўз структураси.

THE PECULIARITIES AND IMPORTANCE OF WORD STRESS GRADATION IN ENGLISH UZBEK LANGUAGES

Shakhriyor Kholmatov
Teacher of Fergana State University

Mushtariybegim Yuldasheva
Student of Fergana State University

ABSTRACT

In this article the gradation of word stress is analyzed with the examples of English and Uzbek languages. Similar and dissimilar features of word stress are clarified via both languages.

Keywords: primary stress, rhythmic clarity, emphatic stress, variable-generative phonology, diphthong, high pitch, word structure.

КИРИШ

Лексик урғу маълум омиллар таъсирида вужудга келувчи мураккаб жараён бўлиб, тилларда лексик урғунинг бир неча даражалари мавжуд. Бундай турлича урғу даражалари товушдаги асосий тоннинг таъсири, маълум

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

товушнинг ритмик томондан яққол намоён бўлиши, урғули ва урғусиз бўғинларнинг муайян хусусиятлари ҳамда бу бўғинларнинг редукцияга учраши натижасида вужудга келади. Мазкур мақолада типологик хусусиятларига кўра турли гуруҳларга мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик урғунинг даражаланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Даставвал, инглиз тили сўз урғусининг даражаларга ажратиш масаласига тўхталиб ўтайлик. Тилшунос олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган сўз урғуси даражалари инглиз тили бутун дунё глобал тилига айлангач, бундай мунозараларни янада кучайтирди. Олимларнинг олиб борган тажрибалари натижасида янги илмий қарашлар юзага кела бошлади. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида фонетик тадқиқот инглиз тилида сўз урғусининг учтадан бештагача даражаси борлигини кўрсатди. Инглиз тилшунослари Деннис Фрай ва Алфред Чарлз Гимсоннинг айни шу даврдаги емперик тадқиқотлари турли умумий деб қаралган назарияларни янада аниқлаштиришга ёрдам берди. Бу ўринда лингвистларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Рус ва инглиз тилшунослари. Уларнинг фикрича, инглиз тили лексик урғусининг учта даражаси мавжуд: бош урғу (ˊ), иккинчи даражали урғу (ˌ) ва кучсиз (урғу олмаган) [4:80].
2. Америкалик тилшунослар фикрича эса бундай даражалар тўртта: асосий **(ˊ)**, иккинчи даражали**(ˆ)**, учинчи даражали **(’)** ва кучсиз **(ˇ).** [5:67]

Бунда инглиз тилидаги кўп бўғинли сўзларда учдан ортиқ урғу даражаларини аниқлаш мумкин деган олимлар кўп ўринларда танқидга учрай бошладилар. Аҳир урғунинг қуйи даражалари асосан махсус тажрибада қўлланиладиган асбоблар ёрдамида аниқланади. Шунинг учун ҳам, тингловчи тўрт ёки бешта сўз урғуси даражаларини ажрата олмайди (Д.Жонс ва А.С.Гимсон буни тасдиқлаган). Айрим олимлар ушбу фикрга эътироз билдириб инглиз тилидаги беш бўғинли сўзларда бештадан даража мавжуддир деган хулосага келишди. Масалан, *examination* сўзида $e^{3}xa^{2}mi^{4}na^{1}tion^{5}$ шаклида урғу даражаларини белгилашни таклиф этдилар [9:128]. Бизнинг фикримизча назарий жиҳатдан, бундай урғу даражалари фақатгина кўп бўғинли сўзлар учун муҳим бўлиши мумкин холос, қолаверса, бундай даражаларни инсон муайян нутқ шароитида яққол ажрата олиши имконсиз. Ушбу фикримизнинг далили сифатида, қиёсий фонология доирасида сегмент ва суперсегмент бирликларни тадқиқ қилган олим А.Абдуазизовнинг “амалий жиҳатдан инсоннинг қулоғи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

урғунинг учта даражасини ажрата олиши мумкин” деган сўзларини мисол қилишимиз мумкин. [7:128]

Д.Жонснинг таҳлилига кўра, инглиз тилидаги кўп бўғинли сўзларнинг урғули бўғин ёки бўғинларини аниқлаш нормалари мавжуд эмас [3:3]. Яъни урғунинг ўрнини аниқлаш автоматик тарзда содир бўлади, масалан, сўздаги бош урғунинг ўрни чўзиқ унли ва дифтонглар билан ўзаро алоқадордир. Масалан **semantic** /sɪˈmæntɹk / сўзида иккинчи бўғиндаги **/æ/** товуши чўзиқ унли бўлганлиги учун бош урғуни айнан шу бўғинда эканлигини аниқлаш мураккаб эмас, албатта. Д.Жонс ўз ғоясига асосланган ҳолда “Инглиз тили талаффузи” номли рисоласида келтиришича бош урғудан кейинги даражалар қисқа унлиларга боғлиқ бўлиши мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий инглиз тилидаги деярли барча луғатларда урғунинг асосий иккита даражаси (бош ва иккинчи даражали урғу) кўрсатиб ўтилган. Иккинчи даражали урғу бош урғуга нисбатан кам ҳолатда асосан бирдан ортиқ бўғинли сўзларда кўзга ташланади. Масалан, ***sup****rasegmental* сўзининг биринчи бўғинида, *syl****lab****ification* сўзининг иккинчи бўғинида иккинчи даражали урғуга дуч келамиз. Бош ва иккинчи даражали урғу ўртасидаги асосий фарқни биринчи даражали урғу деярли барча сўзларда фақатгина битта бўғинда мавжуд бўлиши билан изоҳлаш мумкин, бироқ иккинчи даражали урғу сўзларнинг узунлигига боғлиқ равишда бир нечта бўлиши ҳам мумкин: *con****ta****mination* сўзида битта иккинчи даражали урғу бўлса, ***de****con****ta****mination* сўзида уларнинг сони иккита. Кузатувларга кўра, иккинчи даражали урғунинг биринчиси иккинчисига қараганда бироз кучлироқ бўлгани учун баъзи муаллифлар учинчи даражали урғу атамасини қўллайдилар.

Асосий урғуга доим қарама-қарши қўйиладиган, бошқа сўз билан айтганда, ритмик яққолликка эга бўлмаган урғу одатда кучсиз ёки редукция ҳодисаси содир бўлган бўғинларда учрайди. **Редукция** товуш чўзиклигининг қисқариши, ёхуд талаффузнинг кучсизланишига боғлиқ ҳолда унинг артикуляцион ва акустик сифатларининг ўзгаришидир. Инглиз тилидаги сўзларда кучсиз бўғиндаги дастлабки ундош айрим ўринларда талаффузда тушириб қолдирилади. Масалан, /h/ товуши аксарият холатларда ғойиб бўлади (*vehicle* ['viːɪk(ə)l], *shepherd* ['ʃɛpəd], ва ҳоказо) ва айни шу бўғиннинг бўғинлилик мавқеи (даражаси) ноаниқлигича қолиб кетади. Тил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

тадқиқотчилари бундай бўғинларга урғу олмаган бўғинлар деб ном беришди. Шунга қарамай, баъзи кучсиз бўғинлар редукцияга учрамаган унлини ҳам ўз ичига олишини инобатга олсак, муайян ҳолларда кутилган унли редукцияга учрамаслиги ҳам мумкин: *activity* [æk'tıvıtı] сўзидаги биринчи бўғин каби. Бундай ритмик ва тоник жиҳатдан яққол бўлмаган урғу учинчи даражали урғу деб аталади. Учинчи даражали урғу олган бўғинлар суперсегмент хусусиятига эга эмас, бироқ урғу олмаган бўғиндан кучлироқ бўлиб, бу жараёнда унлининг редукцияга учраши ҳам, ундошнинг кучсизланиши ҳам учрамайди. Масалан *Abraham* ['eıbrəhæm] сўзининг охирги бўғинида унли ва /h/ товуши тўлиқ талаффуз қилинади, айнан шу ҳолат учинчи даражали урғу деб аталади, бироқ *Graham* ['greıəm] сўзидаги /h/ эса тушиб қолади ва шу бўғин урғусиз деб аталади.

Суперсегмент бирликларнинг алоҳида хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борган С.Солижоновнинг фикрича, ўзбек тилида сўз урғусининг тўртта даражаси мавжуд: бош **(ˊ)**, иккинчи даражали**(ˆ)**, учинчи даражали **(ˇ)** ва кучсиз **(˳)** [8:47]. Ўзбек тилида сўз урғусининг ўрни ва даражалари сўзнинг бўғин структурасига боғлиқдир. Худди инглиз тилидаги тадқиқот натижалари сингари, ўзбек тилида ҳам кўп бўғинли сўзларнинг исталган бўғини турли даражадаги сўз урғусини олиши мумкин. Ушбу фикрни маЪқуллаган холда, ўзбек тилида урғу олмайдиган деб таъриф бериладиган қўшимча шаклидаги юкламалар -ми, -чи, -ку, -да, -оқ (-ёқ), -а (-я), -гина (-кина, -қина) кўп бўғинли сўзларга қўшилганда иккинчи даражали урғу шу юкламаларга ҳам тушиши мумкин деган хулосага келдик. Чунончи, *бўлсанг – чи, ширин-ку* каби сўзларида айнан аффикс шаклидаги юкламалар иккинчи даражали урғу олган бўғин сифатида талқин этилиши тарафдоримиз.

Лисоний ходисалар таърифи мутлоқ характерга эга эмасдир, зеро тилни айнан бир қолипга солинган ҳолда тадқиқ этиб бўлмайди ва лисоннинг ижтимоий муҳитда шаклланишини ҳам унутмаслик лозим. М.Абулазова ва Д.Йўлдошева ҳам нутқий муҳитнинг лисоний изланишларда бирламчи эканлигини инобатга олган ҳолда, ўзбек тилида турли омиллар сўз урғуси даражаларига таъсир қилишини таъкидлайдилар. Тилшунослар ушбу омилларни [-миз], [-сиз] тусловчи қўшимчалари ёрдамида исботлашга уринадилар. Биринчи фактор бу оҳанг бўлиб, яъни иккинчи даражали урғунинг тушиш-тушмаслиги шу аффикслар қўшилган сўзнинг айтилиш оҳангига боғлиқ. Оҳанг лисондаги энг ўзгарувчан ва муҳим элемент сифатида сўзловчининг кайфияти, нутқий мулоқотдан кўзлаган мақсади сабаб турли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

ўринларда қўлланилади. Масалан ***“Ҳали кўрамиз!”*** нутқий тузилмасида ***-миз*** аффикси бош урғу олади ва ***“Ҳали кўрамиз.”*** гапидаги иккинчи даражали урғу оладиган ***-миз*** қўшимчасини айнан такрорламайди. Ушбу тафовут нутқда оҳангнинг ўзгарувчанлиги билан характерланади. Иккинчи фактор, турли шева вакилларининг нутқида лексик урғунинг ҳар хил кўринишда қўлланишидир. Ўзбек тилида шевадаги айрим сўзлар, қўшимчалар, ҳаттоки, товушлар ҳам фонетик жиҳатдан сезиларли лисоний тафовутга эгадир. М.Абулазова ва Д.Йўлдошеванинг қайд этишича, Тошкент ва, Фарғона шевалари вакиллари нутқида *борамиз*, *келамиз* каби сўзларнинг охирги бўғини кучсиз талаффуз этилади ва сўз охиридаги **з** ундоши жарангсизлашиб **с** тарзида эшитилади. Айнан шу сўзлар Бухоро, Самарқанд шеваларида бошқачароқ талаффуз этилади, яъни охирги [–миз] қўшимчасига ёрдамчи урғу туширилади, натижада сўз охиридаги **з** ундошининг аниқ талаффузи сақланади [1:49].

Ўтган асрдаги қарашлардан фарқли равишда, сўнги йилларда асосан инглиз тили луғавий урғусининг даражалари ва уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари, даражаларнинг амалий ва назарий жиҳатдан таҳлилига янада аниқлик киритилди. Чунончи, тилшунослар томонидан урғудаги даражаланиш ҳодисаси аниқроқ, кенг қамровли таъриф ва тавсифлар билан бойитилди. Аввалги олиб борилган илмий изланиш натижаларига қўшимча равишда, сўз урғусининг иккинчи ва учинчи даражаси ўртасидаги фарқ, учинчи даражали ва урғу олмаган бўғинлар ва уларнинг манбаи турли таснифлар асосида ёритила бошланди. Инглиз тилининг фонетика ва фонология сатҳини тадқиқ этган олимлар Б.Балогне ва С.Слизард “лексик урғу даражаланишида муҳим ва умумий хусусиятлар мавжуддир” деган тўхтамга келдилар. Биринчидан, иккинчи даражали урғу аксарият ҳолатларда бош урғу олдидан келади, яъни бош урғу энг кучли бўлган охирги ритмик зарбда намоён бўлади ва сўз талаффузидаги яққолликнинг авжи бош урғунинг ўрни билан изоҳланади. Иккинчидан, инглиз тилида урғусиз ёки учинчи даражали урғуга эга бўлган бўғин билан бошланувчи сўзлар деярли мавжуд эмас.[2:113]. Биз ушбу қарашларга таянган ҳолда, инглиз тилидаги уч бўғинли сўзларнинг дастлабки икки бўғинидан биттаси бош ёки иккинчи даражали урғуга эга бўлиши лозим деган ҳукм тарафдоримиз.

Инглиз тилида иккинчи даражали урғу таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, муайян суффикслар сўзга қўшилгандан кейин бош урғу ўрнини ўзгартиради: *átom-àtómic* каби. Бундан ташқари, суффиксация иккинчи даражали урғу ҳосил қилишнинг асосий манбаидир: *décorate–dècorátion* каби.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

Шубҳасиз, инглиз тили лексик урғунинг даражаларини тадқиқ қилишда морфология муҳим аҳамиятга эга эканлигига юқоридаги сўзлар яққол далил бўла олади.

Инглиз тилидаги иккинчи даражали урғуни ҳосил қилувчи ҳолатлар ўзбек тилида ҳам учраб туради. Масалан, сўз ясовчи қўшимчалар аташ маъносига эга бўлган сўзларга қўшилганда, ёки қўшма сўзлар хосил қилинганда дастлабки бош урғу энди иккинчи даражали урғуга айланади: *ғалла́-ғалàко́р, жига́р+ра́нг-жигàрра́нг* каби.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, лексик урғу даражалари ҳақидаги қарашлар турлича бўлса-да, уларнинг айнан бирини доминант сифатида қабул қилиш қийин. Сабаби, биз сўзлардаги ҳар бир бўғинни ҳосил қилишда жисмоний жиҳатдан турлича энергия сарф этамиз. Шу нуқтаи назардан сўздаги бўғинлар ва даражалар сони бир хил дейиш ҳам мумкин. Баъзи олимларнинг, хусусан, М.Ғозиеванинг фикрича, сўзда фақатгина битта талаффузнинг яққоллик авжи (бош урғу) мавжуд бўлиб, иккинчи даражали урғу эса фонологик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас, чунки унинг ўрнини ўзгариши сўзлар ўртасида ҳеч қандай маънони фарқлаш вазифасини бажармайди, қолаверса, урғуни даражаларга ажратиш асосли далилларга эга эмас.[10:262] Ушбу тилшуносимизнинг фикрини бошқа йўсинда билдиришни таклиф этган бўлардик. Урғунинг даражалари таҳлили семантик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлмаса-да, сўзнинг ритмик структурасида унинг ўрни беқиёсдир. Зеро, тадқиқотлар натижасида, кўп бўғинли сўзлардаги лексик урғу даражаларининг изчиллигисиз ритмни ҳосил қилиш имконсиз эканлиги исботланди.

REFERENCES

1. Abulazova M, Yo‘ldosheva D. Tilshunoslikka kirish. –Toshkent.: Universitet, 2005.
2. Balogné B. K, Slizárd S. The pronunciation of English. Korbai Hajnaltól. 2006.
3. Halle M, Keyser S. English Stress. Its Form, its Growth, and its Role in Verse. New York.; 1970.
4. Ladefog P. A course in phonetics. Harcourt Brace Jovanovich. Inc, 1975. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. –Москва.; 1959.
5. Southworth F, Daswani Ch. Foundation of linguistics. —New York.; 1974.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00471

6. Sweet H. A Primer of Phonetics. —Oxford.; 1929.
7. Абдуазизов А. Theoretical Phonetics Of Modern English. ─Ташкент.: “Ўқитувчи”, 1986.
8. Салиджанов С. Силлабическая и аксентная структуры слова и их соотношение в разно системних языках. (Сопостовительно-типологическое и экспериментально- фонетическое исследование на материале англиского и узбекского языков.) Автореферат канд. Диссертации. Москва:. 1982.
9. Соколова М, Гинтовт К, Тихонова И, Тихонова Р. English Phonetics. A Theoretical Course. —Москва.: Высшая школа, 1991.
10. Ғозиева М. Ўзбек тилида урғу.// Kognitiv tilshunoslik va filologiyaning dolzarb masalalari. Farg‘ona. 2017.